

Фолбинга бориш - оғир гуноҳ

Image not found or type unknown



11:35 / 05.07.2019 7506

يَلْعَنُ مَالِ سُلَّوْةٍ اَلصَّلَاوَةِ وَيَرْحُ اسْلَا لَدَاوَزَّ سَلَا مَّ رَحَّ يَدَّلَا هَلَلُ دُمَحَلَا
يَلْعَنُ وَيَدَّلَا اَدَهْ عَائِرَشَبَ فَاَرْعَلَاوَةَ نَاهَا كَلَا نَمُ هَتْ مُرَّ دَحَّ يَدَّلَا هَلُّو سَرَّ
نُ يَدَّلَا مَوْيَ يَلَا نَا سَحَابُ مَوْعَبَتْ نَمَّو، نُنِّي عِبَاتَلَاوَهَبَا حَصَاوَهَلَا

Бугунги кунда ўзларини турли хил жозибадор номлар билан атаб, одамларни тўғри йўлдан оғдириш билан шуғулланаётганлар ҳамда уларнинг найрангига учаётганлар, афсуски, кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу имтиҳон дунёда ҳаётнинг паст-баландларига бардош қилмайдиган баъзи имони заиф кишилар турли хил важлар билан фолбинларга мурожаат қилиб, уларнинг бозорини ривожланишига сабабчи бўлмоқдалар.

Баъзи туппа-тузук кишилар ҳам “Ишонмаймиз-у, лекин шундай бўлса ҳам бир бориб қўяверайлик-чи” деб, фолбинлар ҳузурига бораверишади. Бу иш ҳам мутлақо нотўғри. Мўмин киши шариатимизда қайтарилган ишлардан узоқда юриши лозим. Фолга ишонмай туриб, фолбиннинг ҳузурига чора излаб бориш ҳеч бир соғлом ақлга тўғри келмайди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنَ لَا تَرْجُوْا فَوْلًا يَّخْبُرُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُوْنَ ۗ اِنَّكُمْ كُنْتُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ ۗ اَنْ تَعْلَمُوْا ۗ اِنَّكُمْ كُنْتُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ ۗ اَنْ تَعْلَمُوْا ۗ اِنَّكُمْ كُنْتُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ ۗ اَنْ تَعْلَمُوْا ۗ

اِنَّكُمْ كُنْتُمْ عِنْدَ رَبِّكُمْ ۗ اَنْ تَعْلَمُوْا ۗ

(هه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ك ل ا م ن ب س ن ن ع ي ن ا ر ب ط ل ا م ا م ا ل ا ه ا و ر)

“Ким фолбинга бориб, унинг гапига ишонса, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган нарсадан ажрабди. Ким унинг ҳузурига келса-ю, гапига ишонмаса, қирқ кеча намози қабул бўлмайди” (Имом Тобароний ривояти).

Ҳақиқий мўмин учун қирқ кунлик эмас, бир маҳал намозининг қабул бўлмай қолиши – улкан мусибатдир. Бу мусибат фақатгина фолбинга бориб, ундан бир нарса ҳақида сўрашнинг жазосидир. Унинг айтганига ишонадимми-йўқми, бунинг фарқи йўқ. Аммо ким фолбинга бориб, унинг айтганини тасдиқласа, имонига путур етган бўлар экан. Бундан Аллоҳнинг Ўзи асрасин!

Ҳозирги пайтда фол очишнинг турлари сон-саноксиз бўлиб кетди. Карта билан, қушларга хат торттириш билан, қўлнинг кафтига қараб туриб, суратга қараб ва ҳоказо... Буларнинг ҳаммаси куфр ишлардир.

Сеҳр, фолбинлик, илгирлик каби амалиёт билан шуғулланишнинг ҳар қандай тури ҳаром ҳисобланиб, уни ўрганиш, ўргатиш ва шуғулланиш қатъиян тақиқланган.

Ҳанафий мазҳабининг муҳаққиқ уламоларидан бири Муҳаммад Амин Ибн Обидин раҳимаҳуллоҳ фолбинликнинг ҳукми ҳақида батафсил тўхталиб ўтиб, қуйидагича хулоса қилади:

مَسْقِنًا اِذْ لَفَّ عَفْلًا تَحْتُمْ يَهْوِبُ اَبْسَابُ بِيْعَلِ اَفْرَعَمَ يَغْدِي نَمَنَهَا كَلَّ اَنَّا لَصَاحِلًا
رُفْكُلِبَابٍ مَّهْقِدَّصُمْ يَلَعُوْ مَهْيَلَعُ مُوْكَحَمَ، اَعْرَشُ مُوْمَدَمُ لُكُلًا و... دِدَعَتْ مِعَاوَنًا اِلَى
يَفُو هَقِيْ دَصَتَوْنَهَا كَلَّ اِنَّا يَتَابُو بِيْعَلِ اَمْلَعُ اَعْدَابُ رُفْكَي : هِي زَا زَبُ اِلَى فَو
يَايِي نَجَل اِرَابُ خِي نَع رُبُ خِي اِنَّا وَا تَا قُوْرُسَمَل اَمْلَعُ اِنَّا هَلْ وُقُوْبُ رُفْكَي : هِي نَا خِرَاتُ تَلَلَا

“Хулоса қилиб айтганда, фолбин – турли воситалар билан ғайбни билишини даъво қиладиган шахсдир. Воситаларнинг турларига қараб, улар ҳам ҳар хил бўлади... Шариатда уларнинг барчаси қораланган. Фолбинлар ва уларни тасдиқлаганларга “кофир” дея ҳукм қилингандир. “Баззозийя”да: “Киши – ғайб илмини даъво қилиши билан ва фолбиннинг олдига бориб, сўзини тасдиқлаши билан кофир бўлади”, – дейилган. “Татархонийя”да: “Фолбин “Ўғирланган нарсаларни биламан” дейиши, “Жинларнинг менга айтган хабарларини сизларга етказаман” дейиши билан кофир бўлади”, – дейилган” (“Раддул-мухтор”, 16-жуз, 310-бет).

Бугунги кунимизда ҳам айнан сеҳр ва фолбинлик каби иллатлар туфайли одамлар орасида фитна пайдо бўлиб, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қўни-қўшни, овсинлар ўртасида шубҳа, гумон аралашиб, оқибатда қариндош-уруғ, қўшничилик ришталарига путур етмоқда.

Бугунги кунда мунажжимлар башоратига қараб иш режалаштирадиган, уларнинг башоратларига ишониб, ўз ҳаёт тарзини олиб борадиган кишиларнинг борлиги ачинарли ҳол, албатта. Бу борада Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан шундай ривоят қилинади:

“Ким юлдузлар илмининг бир бўлагини ўрганса, у сеҳр илмининг бир бўлагини ўрганган бўлади. Қанча (юлдузлар илмини) кўп ўрганса, шунча (сеҳр илмини) кўп ўрганган бўлади”(Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривоят қилган).

Борлиқда юз бераётган ҳодисалар, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар юлдузлар алмашуви сабабли эмас, балки Аллоҳнинг бандаларига бўлган илми, ҳикматига кўра бўлади. Журнал ва газеталарда чоп этилаётган мунажжимлар башоратига мурожаат қилиб, унга ишониш кишининг имонига путур етказиб қўйиши мумкин.

***Islom.uz* портали таҳририяти**